

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 1- ТУР КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОР АЁЛЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМДА РИВОЖЛАНАДИГАН АСОРАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Абдуманнонов А.И.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти магистри
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17232852>

Аннотация.

Туғиш ёшидаги аёлларда ҚД 1- тур касаллиги репродуктив тизим касалликларини ривожланишида асосий хавф омилларидан бири эканлиги қатор адабиётларда кўрсатилган[1]. Кўпчилик муаллифлар фикрига кўра ҚД 1-тури бепуштликни, олигоменореяни, чала хомила туғилишини, хайз циклини бузилишига олиб келади[2]. Бизнинг худудимизда йод танқислиги қатор илмий ишларда тасдиқланган бўлиб бу танқислик қандли диабет 1-тур касаллиги бўлган аёл беморларда ўзига хосликларига эга бўлиши мумкин[3].

Илмий иш мақсади: Фарғона вилоятида яшовчи Қандли диабет 1-тур касаллиги бўлган аёл беморларда репродуктив тизимда ривожланадиган асоратларини ўрганиш.

Тадқиқот объектлари ва текшириш усуллари.

Тадқиқот объекти сифатида РИЕИАТМ Фарғона филиали “Д” назоратида турган 40 та ҚД 1- тур 16-40 ёшгача бўлган аёл беморлар сўровнома ва инструментал текширув маълумотлари тахлил қилинди. Тадқиқотда қуйидаги текшириш усулларидан фойдаланилди.

Булар бачадон ва тухумдонлар УТТ си, аёллар жинсий органларини гормонал аниқлаш (ФСГ, ЛГ), қонда қанд миқдори, гликирланган гемоглобин (HbA1C).

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Олинган натижаларга кўра 1-гурух қандли диабет 1-тур касаллиги бор аёлларда бепуштлик 33%, спонтан абортлар 33%, аменорея 20%, чақалоқлар ўлими 8%, қайд қилинди. Репродуктив органлар УТТ сида эса 45% беморда бачадон гипоплазияси, 30% да тухумдонлар мультифолликулалари, 18% да тухумдонлар гипоплазияси аниқланди. 2-гурух қандли диабети йўқ туғиш ёшидаги аёлларда спонтан абортлар 3%, аменорея 5% аёлда аниқланди. Бепуштлик ва чақалоқлар ўлими эса ҳеч қайси аёлда аниқланмади.

Хулоса.

Қандли диабет 1-тур касаллиги бор аёл беморларда бепуштлик 33%, спонтан абортлар 33%, аменорея 20%, чақалоқлар ўлими 8%, қайд қилинди. Репродуктив органлар УТТ сида эса 45% беморда бачадон гипоплазияси, 30% да тухумдонлар мультифолликулалари, 18% да тухумдонлар гипоплазияси аниқланди, бу эса беморларнинг ишлаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга..

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Климов В.С., Абатурова Л.О., Любимая Д.Р. Нарушение репродуктивной функции при патологии щитовидной железы//Молодой ученый. - 2017. - № 14-2 (148). - С. 22-25.
2. Корневская А.В., Гецевич И.П. Влияние состояния щитовидной железы на репродуктивную функцию женщин: Сборник материалов конференции студентов и молодых ученых, посвященной 90-летию со дня рождения профессора Борец Валентины Максимовны. - Гродно, 2017. - С. 286-287.

3. Каримова О. А. //Мед. журн. Узбекистана.- 1986.- № II,-С. 15-17.
4. Купина А.Д., Петров Ю.А., Шаталов А.Е. Особенности развития репродуктивных нарушений у женщин с аутоиммунным тиреоидитом//Современные проблемы науки и образования. - 2020. - № 1. - С. 95.
5. Лысенко И.М. Заболевания щитовидной железы//Охрана материнства и детства. - 2013. - № 1 (21). - С. 40